

«ТАСДИҚЛАНГАН»

АТБ «InFinBank»

Акциядорлар умумий йиғилиши

томонидан

Лавозими

А.Н. Ахмаджанов

Ф.И.Ш.

Р.И.Ш.

Сана

(АТБ «InfinBank» Акциядорлар умумий  
йиғилишининг  
2022 йил «28» июндаги «54»-сон Баённомаси)  
Рўйхатдан ўтказилган:  
ДСК № 30 «28» 06 2022 й.

## МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИДА ҲАРАКАТЛАР ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

ДСК № 30

Ҳужжат АТБ «InFinBank» нинг мулки ҳисобланади. Сифат бўйича раҳбарият вакили билан олдиндан келишилмаган ҳолда мазкур ҳужжат матни бутунлигича ёки қисмлар бўйича қайта нашр қилиниши ёхуд Банк ходими ҳисобланмаган учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас. Ҳар қандай ўзгаришлар мазкур ҳужжатнинг аслига ва фақат назорат қилинадиган нусхаларига киритилади.

**Мундарижа**

<b>Ўзгаришларни қайд этиш варақаси.....</b>	<b>4</b>
1. Мақсад .....	4
2. Қўлланилиш соҳаси.....	4
3. Ҳаволалар.....	4
4. Атамалар ва таърифлар.....	5
5. Жавобгарлик .....	5
6. Манфаатлар тўқнашуви .....	5
7. Сақлаш.....	11
8. Хулоса.....	11
9. Иловалар.....	12
10. Тарқатиш.....	13
11. Танишиб чиққанликни қайд этиш варақаси .....	13

Ўзгаришларни қайд этиш варақаси

Ўзгаришлар рақами	Ўзгаришлар мазмуни	Тасдиқланган	Амалга киритилган	Ҳужжатларн и бошқариш учун масъул шахс имзоси

## 1. МАҚСАД

1.1. Мазкур Низом АТБ «InFinBank» (бундан буён матнда – “Банк”) жараён иштирокчилари манфаатлари тўқнашувларини бошқаришнинг асосий мақсад ва вазифаларини, уларнинг функциялари, ваколатлари ва жавобгарлигини, шунингдек учинчи шахслар, шу жумладан мижозлар ва контрагентларга нисбатан Банкда манфаатлар тўқнашувларини бошқариш тамойиллари ва бошқичларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом мақсади Банк ҳаракатлари мижоз учун салбий оқибатларга (зарарлар, олинмаган фойда, бозор қиймати пасайиши ва бошқа) ва тегишли равишда, Банк, ходим, бошқа мижоз ёки Банк ҳаракатларига алоқадор бўлган ҳар қандай бошқа учинчи тараф учун тегишлича бўлмаган фойдага олиб келадиган вазиятларга йўл қўймаслик ва улар олдини олишдан иборат.

1.3. Низомнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1.3.1. мижозлар ва ҳамкорлар томонидан Банкка ишончни ошириш, мижозларга адолатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш ва очиклик, шаффофлик ва башорат қилиш мумкинлиги тамойилларида корпоратив бошқарувнинг юқори стандартларига риоя қилиш;

1.3.2. Банкнинг халқаро нуфузини ошириш учун халқаро стандартларга ва илғор амалиётларга мувофиқлик;

1.3.3. потенциал манфаатлар тўқнашувлари тўғрисида ахборотни ошкор қилиш тамойилларини, бошқарув қарорларини қабул қилиш механизмларини ва мавжуд манфаатлар тўқнашувлари шароитларида Банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари нормаларини белгилаш;

1.3.4. Банк ходимларига манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш, бошқариш ва ҳал қилиш бўйича Банк томонидан кўрилаётган чоралар тўғрисида умумий ахборотни тақдим қилиш, шунингдек Банк ходимларига манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилишнинг энг мақбул усулларини белгилашда ёрдам бериш;

1.3.5. Банк томонидан риоя қилиниш учун мажбурий ҳисобланган манфаатлар тўқнашувларини бошқаришнинг минимал стандартларини белгилаш.

## 2. ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

2.1. Низомнинг амал қилиши Банк Бошқаруви аъзолари ва барча ходимларига эгаллаб турган лавозими даражасидан қатъи назар жорий қилинади.

2.2. Мазкур Низомга риоя қилиш тўғрисида талаблар фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида Банк билан ҳамкорлик қилаётган жисмоний шахсларга, улар билан тузилган шартномаларда, ички меъёрий ҳужжатларида ёки бевосита қонун ҳужжатларида тегишли вазифалар белгиланган ҳолатларда жорий қилинади.

## 3. ҲАВОЛАЛАР

3.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, АТБ «InFinBank» Устави (бундан буён матнда – “Банк”), Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Банкда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва ҳал қилиш тартибини белгилайди.

#### 4. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

4.1. **Манфаатлар тўқнашуви** – мазкур Низом доирасида Банкнинг мулкӣ ва бошқа манфаатлари ва (ёки) унинг ходимлари ва (ёки) бир неча мижозлари ўртасидаги бевосита ёки билвосита зидлик тушунилади, бунинг натижасида Тарафларнинг бири ҳаракати (ҳаракатсизлиги) бошқа Тараф учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Мазкур Низом мақсадларида оддий хўжалик фаолияти доирасида амалга оширилиш шартлари ошқор қилинган ёки музокаралар тарафига олдиндан маълум бўладиган тижорат шартлари бўйича музокаралар давомида юзага келадиган манфаатлар зидлиги манфаатлар тўқнашуви ҳисобланмайди.

4.2. **Мансабдор шахс** – Банкда бошқарув функцияларини бажарадиган шахс, айнан эса: Банк Бошқаруви аъзолари, Банк Кенгаши аъзоси функцияларини бажарадиган шахс, шунингдек Банкда ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик функцияларини ўз лавозим вазифаларига мувофиқ доимий, вақтинча ёки махсус ваколатлар асосида бажарадиган шахс. Ташкилий-бошқарув функциялар, шу жумладан, жамоага раҳбарлик қилиш, кадрларни жой-жойига тайинлаш ва танлаш, қўл остидагилар меҳнати ёки хизматини ташкил қилиш, интизомни таъминлаш, рағбатлантириш чораларини қўллаш ва интизомий жарималар солишни ўз ичига олади. Маъмурий-хўжалик функцияларга, шу жумладан, Банк баланси ва ҳисобварақларидаги мулк ва пул маблағларини бошқариш ва улардан фойдаланиш, шунингдек иш ҳақи, мукофот пулларини ҳисоблаб ёзиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳаракатланишини назорат қилиш, кредит ва хўжалик шартномалари шартларини белгилаш каби бошқа ҳаракатларни амалга ошириш бўйича ваколатлар тегишлидир.

4.3. **Манфаатдор шахслар** – Банкка аффилиланган бўлган шахслар.

4.4. **Шахсий фойда** – Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад сифатида баҳолаш ва белгилаш мумкин бўлган пул ёки натурал шаклдаги иқтисодий фойда (моддий фойда) ёки шахс томонидан аниқ шахсий мақсадларга эришишда ифодаланадиган фойда, агар бундай фойда моддий фойда олинишига олиб келмаса ҳам.

#### 5. ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Банкнинг барча ходимлари, эгаллаб турган лавозимларидан қатъи назар, мазкур ҳужжатнинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиниши, шунингдек қўл остидаги шахсларнинг ушбу тамойиллар ва талабларни бузадиган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун шахсий жавобгар бўладилар.

5.2. Мазкур Низом талаблари бузилишининг ҳар бир оқилона асосланган тахмини ёки аниқланган ҳолати юзасидан, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан қўлланиладиган доирада хизмат текширувлари ўтказилади.

5.3. Хизмат текшируви натижасида ёки суд қарорига асосан мазкур Низом ва Банкнинг манфаатлар тўқнашувларини бошқариш соҳасидаги ички норматив ҳужжатлари талаблари бузилишида айбдор деб топилган шахслар интизомий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

#### 6. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ

##### 6.1. Умумий қондалар

6.1.1. Банкда фаолиятни амалга оширишда, Банк бошқарув органлари ва (ёки) унинг ходимлари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларига йўл қўйилган тақдирда, Банк (унинг бошқарув ва ижро органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари) мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ҳамда кредиторлар, контрагентлар ва бошқа мижозлар (бундан буён матнда –

“Мижозлар”) мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ўртасида келишмовчиликлар туфайли манфаатлар тўқнашувлари юзага келиши мумкин.

6.1.2. Бундан ташқари, Банк акциядорлари манфаатлари ўртасида, бошқарув органлари манфаатлари ва акциядор (акциядорлар) ўртасида манфаатлар тўқнашувлари (корпоратив низо) юзага келиши мумкин.

6.1.3. Мазкур Низомда манфаатлар тўқнашувлари юзага келишининг қуйидаги ҳолатлари кўриб чиқилади:

а) мажоритар акциядорлар (йирик акциялар пакетларига эга акциядорлар) ва миноритар акциядорлар (кам миқдорли акцияларга эга акциядорлар) ўртасида;

б) Банк бошқарув органлари ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида;

в) Банк бошқарув органлари, Банк мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлари ўртасида;

г) Банк ва Банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида хизмат вазифаларини амалга оширишда.

## 6.2. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг асосий тамойиллари

6.2.1. Банкда манфаатлар тўқнашувларини бошқариш қуйида келтирилган тамойилларга асосланади:

а) амалдаги ва потенциал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилиниши шартлиги;

б) ҳар бир манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатда яқка тартибда кўриб чиқиш ва Банк учун обрў-эътиборига хавфларни баҳолаш ҳамда уни ҳал қилиш;

в) манфаатлар тўқнашуви ва уни ҳал қилиш тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш жараёнининг қатъий махфийлиги;

г) манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда Банк бошқарув ва ижро органлари ҳамда унинг ходимлари манфаатлари мувозанатига риоя қилиш;

д) ходим томонидан ўз вақтида ошкор қилинган ва Банк томонидан ҳал қилинган (бартараф этилган) манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабар туфайли шахсни таъқиб қилинишдан ҳимоя қилиш.

## 6.3. Манфаатлар тўқнашувлари юзага келиш сабаблари (шароитлари)

6.3.1. Банкнинг мажоритар акциядорлари ва миноритар акциядорлари ўртасида, Банк бошқарув органлари ва унинг акциядорлари ўртасида манфаатлар тўқнашувлари қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

а) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Банк ички меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

б) миноритар акциядорларнинг Банк фаолиятига ҳамда Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир этиш имконияти йўқлиги;

в) ваколатли бошқарув органлари билан олдиндан келишилмаган ҳолда йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузилиши;

г) бошқарув органлари томонидан Банк молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилиниши;

д) Банк бошқарув органларига таркибига кирадиган шахслар томонидан бошқа ташкилотлар бошқарув органларида эгаллаб турилган лавозимлар тўғрисида, бошқа жамиятлар улушларига (акцияларига) эгаллик тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилинмаган ахборот ёки тўлиқсиз ахборотнинг тақдим қилиниши.

6.3.2. Банк бошқарув ва ижро органлари, Банк мансабдор шахслари, ходимлари ва

Мижозлари ўртасида манфаатлар тўқнашувлари қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

- а) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Банк таъсис ҳужжатлари ва ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилмаслик;
- б) Банк акциядорлари манфаатлари устуворлиги тамойилига риоя қилмаслик;
- в) амалий мулоқот нормаларига ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;
- г) Банк томонидан ҳам, Мижозлар томонидан ҳам шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги;
- д) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банк ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган ўз мажбуриятларининг бажарилмаслиги.

6.3.3. Банк ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашувлари қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

- а) Банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банк ички ҳужжатлари талаблари бузилиши;
- б) амалий мулоқот нормаларига ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;
- в) ҳам шахсий, ҳам оила аъзолари билан тижорат фаолиятини юритиш;
- г) Банк амалий муносабатлар ўрнатган бошқа компанияларда молиявий манфаатлар мавжудлиги;
- д) бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида раҳбар, мансабдор шахс лавозимида ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок қилиш;
- е) шахсий манфаатлари мақсадида Банк манфаатларига зарар етказилган ҳолда бошқа ташкилотларга амалий имкониятларни тақдим қилиш.

#### 6.4. Манфаатлар тўқнашувлари олдини олиш

6.4.1. Мазкур Низомда Банк бошқарув ва ижро органлари, мансабдор шахслари ва унинг ходимлари томонидан бажарилиш учун мажбурий ҳисобланган манфаатлар тўқнашувлари олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланади.

6.4.2. Банк бошқарув ва ижро органлари, мансабдор шахслари ва унинг ходимлари ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувлари олдини олиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

- а) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Банк Устави ва ички меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;
- б) Банкнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврда барқарор даромадлигига эришишни таъминлаш;
- в) низоли вазиятлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этишдан ва қарорлар қабул қилинишидан сақланиш;
- г) Банк самарали бошқарувини таъминлаш;
- д) Банкнинг ноқонуний фаолиятни амалга оширишга, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга (ноқонуний ўзлаштиришга) ва терроризмни молиялаштиришга жалб этилиши эҳтимолини истисно қилиш;
- е) Банк хизматларини кўрсатишда максимал имкон даражада самарадорликни таъминлаш;
- ж) йилнинг ҳар чорагида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқарув органлари олдида ҳисобот бериш;
- з) Банк Устави ва ички меъёрий ҳужжатларига асосан ташқи ва ички назоратни амалга ошириш;
- и) умумий суммаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банк Уставида белгиланган миқдорлардан юқори бўлган йирик битимлар, алоҳида битимлар ёки бир қатор ўзаро алоқадор бўлган битимларни Банк Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;

- к) ижро органлари томонидан йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимларни тузиш шартлари ўрганилишини амалга ошириш;
- л) зарур ҳолларда, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ битимлар тузиш тўғрисида қарорлар Банк Кенгаши томонидан маъқулланган ҳолатда, мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун мустақил баҳоловчи мутахассисни жалб қилиш;
- м) аффилиланган шахслар тўғрисидаги ахборотнинг ҳисобга олинишини таъминлаш;
- н) қуйидагилар билан битимларни амалга ошириш тартиблари ишлаб чиқирилишини ва уларга риоя қилинишини таъминлаш:
- аффилиланган шахслар билан;
  - Банк акциядорлари ва уларнинг аффилиланган шахслари билан;
- о) Банк ваколатли органлари томонидан олдиндан маъқулланмаган ҳолда йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимларни тузмаслик;
- п) белгиланган тартибда тегишли органлар рухсатисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва ижро органларида лавозимларни эгалламаслик;
- р) Банк фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилинишини амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига асосан амалга ошириш;
- с) акциядорларга ва Мижозларга, бошқарув ва ижро органларига ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга, шу жумладан реклама мақсадларида тақдим этиладиган бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа эълон қилинадиган ахборотнинг тўғрилигини таъминлаш;
- т) Банкда мавжуд ахборотнинг бундай ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахслар томонидан шахсий мақсадларда ишлатилиши олдини олишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- у) Оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда эълон қилинган Банк тўғрисидаги салбий ахборотнинг тўғрилиги ва объективлигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Салбий ёки асоссиз ахборот эълон қилиниши ҳар бир ҳолатига ўз вақтида эътибор қаратилишини таъминлаш;
- ф) Банк ички назорат тизими камчиликларини аниқлашда иштирок қилиш;
- х) Банк бошқарув ва ижро органлари аъзоларига тўланаётган иш ҳақининг Банк молиявий ҳолатига мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек эришилган фаолият натижалари режалаштирилган кўрсаткичларга қай даражада мувофиқлигини текшириш;
- ц) касбий ва корпоратив одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилиш.
- 6.4.3. Акциядорлар ўртасида, шунингдек Банк бошқарув ва ижро органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Банк акциядори (акциядорлари) ўртасидаги манфаатлар тўқнашувлари олдини олиш мақсадида Банк бошқарув ва ижро органлари, мансабдор шахслари, ходимлари қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:
- а) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Банк Устави ва ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган мажоритар ва миноритар акциядорлар ҳуқуқларига риоя қилиш;
- б) амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилинадиган ахборотнинг акциядорлар эътиборига ўз вақтида етказилишини таъминлаш;
- в) ҳисоблаб ёзилган дивидендларнинг ўзаро вақтида тўланишини таъминлаш;
- г) акциядорларга низо предметида айланиши мумкин бўлган масалалар бўйича тўлиқ ахборотни тақдим қилиш;
- д) ракобатчи Банк акцияларини (улушларини) харид қилишда, шунингдек бундай шахсларнинг бошқарув органларида иштирок қилишда Банк Бошқаруви аъзоларининг манфаатдорлиги бўлган битимларни аниқлаш;
- е) қабул қилинаётган қарорлар объективлиги, холислиги ва мустақиллигини таъминлаш учун Банк Кенгаши таркибига мустақил аъзолар қабул қилинишига интилиш.
- 6.4.4. Банк бошқарув ва ижро органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлар



ўртасидаги манфаатлар тўқнашувлари олдини олиш мақсадида Банк бошқарув ва ижро органлари, мансабдор шахслари, ходимлари қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

- а) белгиланган тартибда Банк тўғрисида ахборот тақдим қилинишини таъминлаш;
- б) махфий ва бошқа муҳим ахборотдан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;
- в) Мижозга шартномада ўзаро келишилган асосда банк хизматларини тақдим қилиш ва ундан тегишли ахборот ошкор қилинган тарифлар бўйича белгиланган миқдорда тўлов олиш;
- г) Мижозлар билан Банк нуфузига салбий таъсир этиши мумкин бўлган битимлар тузилишига йўл қўймаслик;
- д) ўз Мижозларига банк хизматларини малакали ва виждонан тақдим қилиш;
- е) Мижоз яққол хатога йўл қўйган (шу жумладан, Мижоз томонидан имзоланган аризада, шартномада ва бошқа ҳужжатда хато бўлган) ҳолатда, бундай вазиятдан ходимлар томонидан онгли равишда шахсий мақсадларда фойдаланилишни истисно қилиш. Бундай хато бўлган ҳолатда, Банк ходими бундай ҳужжат ижроси олдини олиш бўйича оқилона ҳаракатларни амалга ошириши ва Мижозни бу ҳақда хабардор қилиши керак;
- ж) Мижозга берилган тавсиялар тегишли масала бўйича мавжуд ахборотнинг виждонан амалга оширилган таҳлилига асосланишини таъминлаш;
- з) қоғоз, магнитли ва бошқа ташувчи воситалардаги хизмат ахборотига киритилган ёки тижорат сирини ўз ичига олган ахборот Банк бошқарув органлари ёки ваколатли мансабдор шахслар розилигисиз сотиш, узатиш, нусха кўчириш, кўпайтириш, айирбошлаш ҳамда ўзгача тарқатиш ва кўпайтириш предметига айланиб қолмаслиги учун Банк фаолияти жараёнида тузилган, олинган ва тўпланган ахборотни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

6.4.5. Банк ва Банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида хизмат вазифаларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувлари олдини олиш мақсадида Банк мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

- а) амалий мулоқот нормаларига ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилиш;
- б) белгиланган тартибда шартномалар тузиш;
- в) юқори мансабдор шахсни ёки бошқарув ва ижро органларини Банк билан рақобатчи ташкилот улушини (акцияларини) харид қилиш мақсади тўғрисида хабардор қилиш;
- г) юқори мансабдор шахсни низоли вазият юзага келишига сабаб бўладиган вазиятлар пайдо бўлганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;
- д) юқори мансабдор шахсни Банк фаолият олиб бораётган ёки фаолият олиб боришни мўлжаллаётган ва мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари сезиларли молиявий манфаатдорликка эга бўлган ташкилотлар тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиш;
- е) Банк ва мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари сезиларли молиявий манфаатдорликка эга бўлган ёки аффилиланган шахслари ҳисобланган ташкилотлар ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир этадиган ҳар қандай фаолиятдан сақланиш;
- ж) юқори мансабдор шахсни бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаш мақсади тўғрисида (Банк Бошқаруви томонидан тегишли рухсат олинган ҳолатда) ва ушбу мўлжалланаётган иш Банк манфаатларига зид эмаслиги тўғрисида хабардор қилиш.

## 6.5. Манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилиш

6.5.1. Банкда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилиш учун Банк бошқарув ва ижро органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қонун ва асосланган, Банк манфаатларига жавоб берадиган ечимни излаш мақсадида судгача текширув тартиб-таомилларини амалга оширадилар.

6.5.2. Мансабдор шахслар акциядорлар ва Мижозларнинг бошқарув ва ижро органлари, корпоратив консултант ва таркибий бўлинмалар номига юборилган хатлари, аризалари ва талабномалари (шу жумладан, оғзаки шаклдаги) ҳисобга олинишини ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашлари шарт.

6.5.3. Корпоратив низоларни ҳисобга олиш Банк корпоратив консултантига юклатилади. Корпоратив консултант корпоратив низо юзасидан дастлабки баҳо беради, масала моҳияти бўйича керакли ҳужжатларни тайёрлайди ва Банк Кенгаши билан келишилган ҳолда уларни ушбу корпоратив низо кўриб чиқиш ваколатига киритилган органга топширади.

6.5.4. Банк корпоратив консултанти тез-тез юзага келадиган низоларни таҳлил қилади, низонинг барча иштирокчиларига қўшимча ахборот тақдим қилиш зарурияти тўғрисида қарор қабул қилади ва/ёки Банк ваколатли органи раҳбарига ушбу турдаги низолар юзага келиши сабабларини бартараф этиш мақсадида ички тартиб ва йўриқномаларни ўзгартириш, бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклиф киритади.

6.5.5. Мижоздан ёки бошқа манбалардан низоли вазият тўғрисида ахборот олган ходим дарҳол бу ҳақда юқори мансабдор шахсни хабардор қилиши шарт. Таркибий бўлинма даражасида низоли ҳал қилиш имконияти бўлмаган ҳолатда, бўлинма раҳбари бир иш куни мобайнида Бошқарув Раисига ёки унинг ўринбосарига низо, унинг юзага келиш сабаблари, амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот тақдим қилиши шарт. Бошқарув Раиси ёки унинг ўринбосари низоли ҳал қилиш тартибини белгилайди, ваколатли шахсни тайинлайди. Зарур ҳолларда, манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун комиссия тузилади.

6.5.6. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун барча чора-тадбирларни амалга оширади. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш имконияти бўлмаган ҳолатда, ижроия орган раҳбари ушбу масалани Банк Бошқарувига кўриб чиқиш учун киритади, низо тўғрисидаги маълумотларни Банк Кенгаши Раисига юборади.

6.5.7. Ушбу ахборот Банк Кенгаши ҳузуридаги низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун ташкил этилган қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқилади.

6.5.8. Ўз ривожланишининг ҳар қандай босқичида Бошқарув Раиси ёки унинг ўринбосарлари манфаатларига даҳл қиладиган ёки даҳл қилиши мумкин бўлган низо тўғрисидаги маълумотлар уч иш куни мобайнида низоли ҳал қилиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш учун Банк Кенгашига топширилади, сўнгра қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқилиши ва Банк Кенгашига ушбу масала бўйича хулоса тақдим қилинган ҳолда топширилади.

6.5.9. Агар низоли кўриб чиқиш натижасида Банкнинг амалдаги ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки уларга ўзгартишлар киритиш зарурияти юзага келса, Банк Кенгаши ёки Банк Бошқаруви тегишли ҳужжатни ишлаб чиқиш ёки тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

6.5.10. Банк бошқарув органлари Банкда юзага келадиган ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

- а) юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини максимал тез аниқлаш, уларнинг сабабларини аниқлаш;
- б) Банк бошқарув органлари ваколатлари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш;
- в) ваколатли шахсни белгилаш ёки зарур ҳолларда, низоли ҳал қилиш бўйича комиссия ташкил қилиш;
- г) максимал қисқа муддатларда Банкнинг низо моҳияти бўйича нуқтаи назарини белгилаш, тегишли қарорлар қабул қилиш ва уни низонинг бошқа Тарафи эътиборига етказиш;
- д) низонинг бошқа Тарафига Банкнинг низо моҳияти бўйича нуқтаи назари аниқ асосланган тўлиқ ва батафсил жавобни юбориш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари,

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Банк норматив ҳужжатлари, Устави ва ички бошқарув ҳужжатлари асосида низо иштирокчиси илтимоси қондирилишини рад этиш ёки асосланишини талаб этиш тўғрисида маълум қилиш;

е) низони ҳал этишда иштирок қилган ваколатли шахс низо унинг манфаатларига ёки унинг оила аъзолари манфаатларига даҳл қилиши ёки даҳл қилиши мумкинлиги тўғрисида дарҳол маълум қилишини таъминлаш;

ж) низо ўз манфаатларига даҳл қиладиган ёки даҳл қилиши мумкин бўлган шахсларнинг низони ҳал этишда ва ушбу низо бўйича қарор қабул қилишда иштирок этмаслигини таъминлаш.

6.5.11. Банк акциядорлари ўртасида, Банк бошқарув органлари ва акциядорлар ўртасидаги низони ҳал қилиш учун:

а) Банк Кенгашининг мустақил аъзоси акциядорлар ўртасида юзага келган низони ҳал қилишда воситачи сифатида иштирок қилиши мумкин;

б) Банк ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорлар ўртасида музокараларда иштирок қилиши, акциядорларга низога доир ахборот ва ҳужжатларни тақдим қилиши, қонун ҳужжатлари, Банк Устави ва ички меъёрий ҳужжатларини тушунтириши мумкин;

в) ваколатли шахслар ёки ваколатли органлар акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар беради, акциядорлар томонидан имзолаш учун низони ҳал қилиш тўғрисида ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Банк номидан ўз ваколатлари доирасида низони ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган даражада акциядорлар олдида мажбуриятларни қабул қилади;

г) Банк бошқарув органлари ўз ваколатига мувофиқ корпоратив низони ҳал қилиш бўйича қарорлар амалга оширилишини ташкиллаштириши ва Банк номидан имзоланган низо иштирокчи билан битимлар ижросига кўмаклашиши керак. Низо тарафи ва Банк ўртасида уларнинг асосий мажбуриятлари бўйича даъволашув бўлмаган, бироқ уларни бажариш тартиби, усули, муддатлари ва бошқа шартлари тўғрисида келишмовчиликлар юзага келган ҳолатларда, Банк низо иштирокчисига юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилишни таклиф этиши ва акциядор талабини қондиришга тайёр бўлган шартларини баён қилиши керак;

д) Агар Банкнинг акциядор талабини қондиришга розилиги ушбу Тараф томонидан қонун ҳужжатлари, Банк Устави ёки ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ҳаракатлар амалга оширилиши зарурияти билан боғлиқ бўлса, жавоб хатида бундай шартлар батафсил кўрсатилади, шунингдек уларни бажариш учун керакли ахборот (масалан, акциядор томонидан талаб қилинган ҳужжатлар ёки реквизитлар нусхаларини тайёрлаш учун ҳақ миқдори ва ҳ.к.) маълум қилинади.

6.5.12. Ушбу чора-тадбирлар рўйхати тўлиқ ҳисобланмайди. Ҳар бир муайян ҳолатда, манфаатлар тўқнашуви юзага келиш секторига қараб, низони ҳал қилишнинг бошқа шакллари қўлланилиши мумкин.

## 7. САҚЛАШ

7.1. Мазкур Низомнинг асл нусхаси Банк Юридик Департаменти Методология бўлимида ДСК № 30 -рақам билан сақланади. Мазкур Низомнинг PDF форматидаги электрон нусхаси фойдаланиш учун умумий серверда сақланади. Мазкур Низомнинг DOCX форматидаги электрон нусхаси ишлаб чиқувчида ва Юридик Департаменти Методология бўлимида сақланади.

## 8. ХУЛОСА

8.1. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар Акциядорлар

умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади ва тасдиқланганидан сўнг кейинги кунда кучга киради.

8.2. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Банк Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан, мазкур Низомга тегишли ўзгартишлар киритиладиган пайтгача Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Банк Устави нормаларига амал қилиниши керак.

## 9. ИЛОВАЛАР

9.1. Мазкур Низомда иловалар йўқ.



2-сон тахрир Тасдиқланган: 28/06/2022 Амал қилиш муддати: 28/06/2027 14 та саҳифанинг 14-бети

**КЕЛИШИЛГАН:**

**З.С. Абдуллаев**

\_\_\_\_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.  
Ф.И.Ш.  ИМЗО

**С.Х. Хасанов**

\_\_\_\_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.  
Ф.И.Ш.  ИМЗО

**Б.Х. Нуъмонов**

\_\_\_\_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.  
Ф.И.Ш.  ИМЗО

**Ш.Н. Махмудов**

\_\_\_\_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.  
Ф.И.Ш.  ИМЗО

**А.У. Режаматов**

\_\_\_\_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.  
Ф.И.Ш.  ИМЗО

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Банк корпоратив  
консультанти**

Лавозими

**Ш.Ш. Мухаммедов**

Ф.И.Ш.

Имзо 

Сана

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.

Хужжатнинг амал қилиш муддати:

2022 йил "28" 06 дан 2027 йил "28" 06 гача.

Узайтирилган: 20 \_\_ йил " \_\_ " гача.

Амал қилиш муддати тугаганидан кейинги мақоми:

Сана \_\_\_\_\_ Хужжатни бошқариш учун масъул шахс имзоси \_\_\_\_\_

Хужжат нусхаси рақами: \_\_\_\_\_

Тарқатилган сана: "28" 06 2022 й.

(хужжатни тарқатишда хужжатни бошқариш  
учун масъул шахснинг асл имзоси)